

## **АМУДАРЁ ХАВЗАСИ ТАШСАКА КАНАЛИ ТИЗИМИНИ ЭКСПУЛАТАЦИОН ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Б.Э.Норкулов,  
О.Ф.Вахидов,  
Д.Абдусобирова**

**Аннотация.** Мақолада Амударёдан Ташсака сув олиши қисмидан каналнинг узунлиги бўйича лойқа оқизиқлари чўкиши жараёнларининг жадаллигини аниқланади. ПК65+00 ва ПК78 оралигига ўзанни керакли ўлчамгача ростлаш ва жойда мавжуд техникаларни (земснарядларни) тегишили нуқта (ПК)ларга жалб қилган ҳолда сув таъминотини яхшилашга имкон яратилган. Илмий тадқиқот натижаларига асосланиб ўзанда земснарядларни оптимал жойлаштириши схемалари ишлаб чиқлади. Оқимни ростлаш орқали лойқа чўкишини камайиши, қирғоқ ювилиши эҳтимоллиги юқори бўлган ҳудудлари ҳамда сув олиб келиши каналида содир бўладиган салбий жараёнлар аниқланиб, бартараф этиши бўйича тегишили тавсиялар ишлаб чиқлади. Бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида қирғоқ ювилишини олдини олиш имкониятларини яратиш тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Таянч иборалар:** турбулент, нотургун, оқим, лойқалик, сел, соӣ, тўйинган, кескин, гидравлик, параметр, қаршилик, тезлик, ўзанлар.

**Кириш.** Дарё ўзанларининг табиий деформациялари, асосан, дарё ўзанининг узунлиги ва кўндаланг кесимида оқизиқлар мувозанатининг бузилиши натижасида юзага келади. Дарё ўзанларининг беқарорлиги дарё оқимининг ўзан ҳосил қилувчи чўкиндилар билан сезиларли даражада тўйинганлиги ва ўзан жараёнининг жадал ривожланишига олиб келиши билан боғлиқ. Бундай ривожланиш кўпинча инсоннинг хўжалик фаолияти учун катта ноқулайликлар туғдирадиган йўналишларда олиб борилади. Баъзи ҳолларда ўзан деформациялари халқ хўжалигига катта зарар етказади. Лойқа чўкиндиларнинг сув тубида тўпланиши натижасида сув горизонти қайирдан юқорига кўтарилиши мумкин, бу эса уларда жойлашган маданий ерлар ва аҳоли пунктларини сув босиш хавфини туғдиради. Ўрта Осиё дарёлари учун хос бўлган қирғоқларнинг жадал ювилиши ҳам яқин жойлашган маданий ерлар ва аҳоли пунктларининг ювилиши, тўғонсиз сув олишда сугориш каналларининг нормал сув олишини таъминлаш хавфининг пайдо бўлиши каби нохуш оқибатларга олиб келади.


Тадқиқот обьекти ўзани тез ювиладиган грунтлардан ўтадиган Амударё ҳавзаси қуи оқимида Ташсака канали хисобланади. Ташсака канали Республикасининг Хоразм вилояти сугориш майдонларига сув етказиб берадиган канал хисобланади. Дастреб Амударёнинг асосий характеристикасини ўрганамиз. Амударё Марказий Осиёнинг энг катта дарёларидан бири бўлиб, Афғонистоннинг

Хиндикуш тепалигининг шарқий ёнбағир нишабликларидан бошланиб, шимолга ва шимолий ғарбга томон оқади. Амударё Вахш, Бахандарё, Помир ва Панж дарёлари бирлашишидан пайдо бўлиб, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон мамлакатлари худудлари орқали оқиб ўтади. Дарёлар бирлашган створдан 1437 км масофада оқиб, Орол дengизига қуйилади. Амударёнинг ҳавзаси умумий майдони 465 минг  $\text{km}^2$  ни ташкил қилади. Сув йигиладиган майдони эса 216 минг  $\text{km}^2$  ни ташкил қилади.

Хоразм воҳаси суғориш тармоқларининг номлари қадимий анъана ва урфодатлар билан чамбарчас боғлиқ. Қадимда қабилалараро аҳамиятга эга бўлган йирик каналлар девонлар ва канал қурилишига бошчилик қилган шахслар номи билан аталган. Тошсоқа, Полвон ота, Гозовот, Шоҳбод, Ярмиш каналлари бунга мисол бўлади. Бу каналларнинг бош қисми - "Соқа" эса канал ўтган жойнинг номи билан юритилган. Тошсоқа (Тошлок) - тошли жойда қурилган соқа каби номлар айнан шундан келиб чиқкан.

Тошсоқа каналлар тизими 1927 йилда 80 минг ишчи ва деҳқонлар иштироқида, асосан қўйл кучи билан белкурак, теша ва кетмон ёрдамида барпо этилиб, ишга туширилган. Амударёдан сув оладиган Тошсоқа каналининг эски сув олиш иншооти "Қалдирғоч соқа" деб номланган ва бу ерда сувни очиб-ёпиш учун "қора бур" деб аталувчи мосламадан фойдаланишган. "Қора бур" турли шох-шабба, ёғоч ва барглардан ясалган қурилма бўлган.

Ҳозирги кунда эски Тошсоқа деб аталадиган гидротехника иншооти 1938 йилда қурилишга киришилиб, 1941 йил 14 февралда Амударёдан алоҳида-алоҳида сув олган Полвон, Гозовот ва Шовот каналларининг бош қисмларини бирлаштирган ҳолда ишга туширилган. Ушбу иншоотнинг ўтказиш қобилияти  $202,5 \text{ m}^3/\text{сонияни}$  ташкил этади.



**Linear diagram of the location of pumping stations and canals of the Tashsaka subdivision**

Ташсака каналининг дастлабки 10 километри чуқур қазилган ҳолда, қолган қисми ярим қазилган ва ярим тўкилган ҳолатда оқади. Тўғонлар қиррасининг кенглиги 4 метрни ташкил этади. Кўпгина мамлакатларда сув олиш иншоотини ишончли ишлашини таъминлашга, бош иншоотни кафолатланган сув олиш билан таъминлашга, лойқа чўкиндиларни сув олиш каналига киришини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзан жараёнларининг ривожланишини тўғонсиз сув олишнинг ишончлилиги ва ишлашига салбий таъсири бўйича тадқиқотлар олиб бориш, дарёдан сув олиш худудида ўзан жараёнларининг интенсивлиги ва йўналишини аниқлаш, сув олиш каналига минимал миқдордаги лойқа оқизиқларни киришини таъминлаб сув олишни яхшилаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Амударёда сув олиш иншоотларининг оқимнинг динамикаси ва гидродинамик хусусиятларига таъсирини башорат қилиш канал гидравликасининг муҳим вазифаларидан биридир. Сув олиш ҳолатида ўзан жараёнининг ривожланиши сув олиш иншоотининг ишончлилиги ва ишлашига салбий таъсир қиласи. Тадқиқот обьекти бўлган Ташсака канали Амударёning сув олиш худудининг бир қисми ҳисобланади.

**Тадқиқот усули.** Амударёning қуий қисмida табиий ва сонли тадқиқотлар натижаларини ўрганиш, канал ўзанининг ҳолатини баҳолаш, очиқ оқимда ҳам барқарор, ҳам бекарор харакатда қирғоқнинг маҳаллий ювилишининг пайдо бўлиши ушбу ишнинг тадқиқот усули ҳисобланади.

#### **Натижалар ва муҳокамалар:**

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожланиши, худуд шароитига хос суғориладиган ерлар учун сувга бўлган талабни кескин оширмоқда. Юзага келган мураккаб сув ресурслари етишмовчилиги шароитида ҳалқ ва қишлоқ хўжалигини ўз вақтида керакли сув миқдори билан таъминлаш учун ўтган асрларда асосан ирригация мақсадларида курилган гидротехник иншоотларнинг эксплуатацион шароитлари самарадорлигини оширишни вақт тақозо қилмоқда. Ушбу вазифаларни бажаришда сув олишнинг самарадорлигини ошириш, канал ўзанини ростлаш ва оқим гидродинамик элементларини иншоот таъсир соҳасида ўзгариши, ўзан ва оқим ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида юз берадиган жараёнларни жадаллиги хақида етарли маълумотлар базасига эга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, Амударё ўзининг лойқаланганлиги бўйича дунёда иккинчи дарё ҳисобланади. Шуни инобатга олганда, ундан каналга жуда катта миқдорда ўзан туби бўйлаб судралиб унга гоҳ урилиб, гоҳ ундан узулиб ва сув оқими таркибида муаллақлашган лойқа заррачалари кириб келади. Бу наносларнинг маълум қисми суғориш каналидан ўтиб экин майдонларигача етиб боради. Лойқа чўкиндиларнинг асосий қисми канал иш режимини мураккаблаштиради.

Лойқа оқизиқларни Ташсака каналига киришини камайтириш учун кириш соҳаси канал конструкциясини шундай қайта таъмирлаш керакки унда дарёдаги оқим циркуляциясини такомиллаштириб, лойқа оқизиқларни асосий қисмiga эга

оқим дарёнинг сув олиш иншоотидан пастга қараб йўналиши ва нисбатан оқимининг кам лойқаланган қисми каналга киришини таъминлаш керак.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, лойқа оқизиклар қўпайиши натижасида сув олиш трассаси остига чўқиндилар йиғилади. Бу канал тубининг чуқурлашишига ва қўтарилишига олиб келади. Туямўйин сув омбори лийқадан ювиш ва серсув даврда сув олиш жойи ва каналига катта миқдордаги ўзан туви ва муаллак оқизиклар қабул килиниши натижасида каналнинг сув ўтказувчанлиги камаяди ва айрим даврда сув миқдорини таъминлаб бериш қийинлашади.



**3-расм. Ташсака каналидаги ПК 65 да ўзан жараёнларини содир бўлиши**

Сув олиб келиш каналининг сув ўтказувчанлик қобилияти пасайиши натижасида оқим тезлиги ошади, каналнинг тиндиргич жойлашган қисмida чўқинди ташиш ортиши оқибатида катта миқдордаги чўкма тозалаш ишларига ва салбий таъсир кўрсатади. Ташсака канали эксплуатацияси жараёнида каналда сув оқимининг текис барқарор харакати ва сув сарфи барқарорлигининг таъминланиши иншоотлар жойлашаган оралиғида ҳам лойқа босиши жараёнини бартараф этишини кўрсатмоқда. Лекин, ушбу каналда сув оқимлари гидравлик режимининг қўйилган талабларни бажариш қийинлиги ва динамикаси юқорида зикр этилган каналлар ўзанларидаги жараёнлари рўй беришига сабаб бўлмоқда (3-расм).

Ташсака каналида жойлашган тиндиргичда доимий равишда ўзан земснарядлар ёрдамида тозаланиб туриши, каналга сув миқдори керакли миқдорда йўналтирилиб туради ва бу жуда катта эксплуатацион сарф харажатни талаб қиласи. Шунингдек лойқа оқизиклар режимнинг мураккаблиги, каналига кўпта миқдордаги лойқа оқизиклар кириб, унинг узунлиги бўйича оқим гидравлик режимини ўзгариши натижасида чўкади ва канал сув ўтказувчанлигини камайтиради. Бу вазиятни ўнглаш учун эса каналнинг тиндиргич жойлашган қисмida ўзанни ростлаш ишларини олиб борилади ва земснаряд қўйкаси каналнинг оқим йўналиши бўйича ўнг томонига пастки соҳасига ташланиб туриласи.


Ташсака каналида гидрометрик ўлчов ишлари олиб борилди. Шунингдек Ташсака каналида чуқурлик ўлчаш ишлари белгиланган створлар ва ПК65+00 ва ПК 78 ларда олиб борилган маълумотлардан фойдаланилди (4-расм)




4-расм. ПК65+00 ва ПК 78 +00 оралиғида үлчовлар олиб борилған створлар

Дастраб маълумотларга кўра танлаб олинган створлар бўйича:

1-створ кенглиги  $B=107$  м, 2-створ кенглиги 118 м, 3 створ кенглиги 220 м, 4 створ кенглиги 143 м, 5-створ кенглиги 154 м. (5-6-расм)



5-расм. ПК65+00 ва ПК 78 оралиғида үлчанган чуқурликлар (1-3 вертикаллар)



**6-расм. ПК65+00 ва ПК 78 оралиғида үлчанган чуқурликтар (4-5 вертикаллар)**

Каналнинг гидравлик элементларини ҳисоблаш қүйидаги келтирилганды бошланғич маълумотлар асосида ҳамда график күринишида бажарилди (7-расм).

Ташсака каналидаги үзан жараёнларини башорат қилишда гидродинамик тенгламалари қўлланилишини амалиёт учун асосланди. Муаллифи томонидан бир үлчамли математик модел ишлаб такомиллаштирилди, булар ёрдамида тўғонсиз сув олиш иншоотлари, сув олиб келиш канали учун дарё үзан жараёнларини ёзиш имконияти пайдо бўлди. Сен-Венан тенгламаларини соний ҳисоблаш учун тежамкор соний фарқ схемалари қабул қилинди мувозанат тенгламалари учун проф. Базаров Д.Р ғояси қабул қилинди. Апроксимацияланган тенгламалар кетма кет яқинлашиш усули билан ечилади.

Сўнгги үн йилликларда тупроқ каналларининг гидравлик ҳисоблаш усулларида қўлланиладиган гидравлик ва морфометрик тавсифлари умумлаштирилди. Тупроқ үзанли каналлар ва дарёлар учун ғадир-будурлик коэффициентининг Рейнолдс сонига, кенгликнинг ўртача чуқурликка нисбатига ва тўшама грунтининг хусусиятига боғлиқлиги аниқланди. Ғадир-будурлик коэффициентларининг ўзгариш хусусиятига кўра соҳалар ажратилди,

Табиий грунтлардаги каналлар параметрларини аниқлашда Шези-Маннинг формулаларидан фойдаланишнинг асослилиги таҳлил қилинди. Бунда мавжуд қопламасиз каналлар бўйича маълумотлар етишмаслигини тўлдириш учун лойқаланланган дарёлар - оқими сезиларли даражада табиий тартибга солинган ( $\phi > 0,50$ ) ва сиқилган кўндаланг кесимли ( $\frac{B}{h_{yp}} < 50$ ), каналлар орасидаги үзан жараёни хусусиятларига эга дарёлар хақидаги маълумотлардан фойдаланилди.

Канални үзанини ростлашда мавжуд үзан куриниши (пландаги жойлашиши, кенглиги, чуқурлиги, сув сатхлари, оқим тезликлари жихатидан) янгиланади, чунки у маълум бир хужалик талабларига жавоб берини ва шу билан бирга мустахкам

булиши керак, яъни унга берилган шаклни ва ўлчамларни узок вакт давомида минимал эксплуатацион харажатларни талаб килган холда саклаши лозим.

Тадқиқотларимиз давомида қирғоқни химоялаш усуллари ишлаб чиқилди. Ташсака эксплуатацияси жараёнида тиндиргич жойлашган ПК65+00 ва ПК 78 +00 да каналида сув оқимининг текис барқарор ҳаракати ва сув сарфи барқарорлигининг таъминланиши участканинг чап ва ўнг қирғоқда ўзан жараёнларини бартараф этишини кўрсатмоқда. Лекин, ушбу канал қисмida сув оқимлари гидравлик режимининг қўйилган талабларни бажармаслиги ва динамикаси юқорида таъкидланган канал створларида ўзан жараёнлари рўй беришига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот ишлари ўрганилаётган объект катта участкага фрагменти бўлганлиги сабабли, канал узунлиги бўйича химоя бошқарув дамбалар ўрнатиш билан амалга оширилади. Бундан ташқари, ўзгарувчан қурилиш материалидан таёrlанган 3 та сув ўтказмас химоя бошқарув дамбасини тизимлари ишлатилади.



7-расм Канал узунлиги бўйича химоя бошқарув дамбалар ўрнатиш схемаси

Тиндиргични кириш нуқтасидан 150 м юқорида  $45^0$  бурчак остида жойлашган химоя дамбаси 2 чисидан 420 м юқорида жойлаштирилди, 3 чиси, иккинчисидан 320 м пастда ўрнатилиши тавсия қилинди. Лекин 1 ва 2 дамбалар сув оқимини самарали ўнг томонга таъминлашини соний татқиқотлар натижалари курсатди. Узунлиги 12 м. бўлган №3 дамба сув йўналишига таъсири камлиги аниқланди. Лекин бу дамба узунлиги 30 м.га етказилганлиги №1 умумий ўзунлиги асосланди.

## **ХУЛОСАЛАР**

1. Ташсака соҳасидаги оқимнинг тезилгини планда тақсимланиши олинди. Ўзаннинг ростланиш соҳасида оқим параметрларининг динамикаси ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги аниқланди;
2. Ўтказилган соний татқиқотлар натижалари Ташсака канали тиндиргис соҳасида ПК 65+00, ПК 75 да маҳсус мухандислик тадбирлар ўтазиб, қирғоқ ювилиш олдини олиш мумкинлигини кўрсатди. Бунинг учун натурада ўтказилган

татқиқотлар асосида олинган маълумотлар базасининг юқори даражадаги аниқлиги керак бўлади. Ушбу натижага асосланиб, келажакда янада аниқроқ даражадаги татқиқотлар ўтказилишига эҳтиёж мавжудлиги эътироф этилди;

3. Ташсака канали тиндиргич соҳасида қирғоқ таъминлаш бўйича соний татқиқотлар ўтказилди. Ўзан кенглигини дамбалар билан тўсиб камайтирилиши, каналга оқиб келаётган лойқа оқизиқлар билан боғликлигини эътироф этилди. Бу ҳолатда оқимнинг чукурлиги ва тезлигининг ошиши соний татқиқотлар билан асосланди.